

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“United IT Clubs” МЧЖ

Бош директор

Х.С.Хайрулло ўғли

2022 йил



«United IT Clubs» МЧЖ га тегишли булган Давлатобод туманида жойлашган

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Умумий маълумотлар

- 1.1 . Буюртмачи “United IT Clubs” МЧЖ
- Ташкилий-хуқуқий шакли Масъуляти Чекланган Жамият
- Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти,
Наманган шаҳри, Давлатобод тумани, Ғалаба куча 7-уй
- Бош директор: Х.С.Хайрулло ўғли
- 1.2. “United IT Clubs” МЧЖнинг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниқланади.
- 1.3. Танловнинг максимал қиймати: жами кўрсатилган хизмат учун 595 000 000 сумни ташкил этиб, танлов таклифида кўрсатилган нархлар максимал нархдан ошмаслиги керак. Жами бажарилган хизматлар учун қушимча қиймат солиғи билан 595 000 000 сум қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топширик иловада келтирилган.

2. Танлов мақсади.

- 2.1. “Темир дафтар” ва “ Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни ИТ соҳасида ўқитиш.

3. Танлов иштирокчилари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

4. Ижрочига бўлган талаб.

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлиши Наманган вилоятида жойлашган буюртмачининг тегишли объектларида ишлаш иш ташкил қилиши лозим.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Ташкилот устави (барча ўзгартириш ва қўшимчалар билан) нусхаси;
- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

4.4. Қуйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи қуйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;
- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

5. Бошқа шартлар.

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ҳар ойнинг 5 санасига қадар ўтган ой учун ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 1 ой давомида амалга оширилади.

